

Ифторлик

09:05 / 05.06.2018 5871

Савол:

Бир ўзига тўқ танишим бу йил рўзада ифторлик қилмади(ҳар йили қиларди), энди жудаям танишмиз, хайрон бўлиб бир кўришганда сабабини сўрадим ва кейин гап гапга уланиб сизга йулламоччи бўлганимиз савол келиб чикди. У менга: "ҳар йили ифторликка кўшниларим, ўртоқларим, қариндошларим(яқинлари ҳаммаси ўзига ўхшаган бойлар) ни чақираман, ҳаммаси ўзига тўқ, менинг ифторлигимсиз ҳам қорни тўқ, рўза тутганларининг ифторлиги(ўзининг уйида) жуда аъло ўтади. Ўша ифторликка кетадиган маблағимни ҳисоблаб ажратиб, ўйида камдан кам гушт-ёғ ейдиганларни эринмасдан топиб бўлиб-бўлиб тарқатиб бердим"- деди ва хаёл суриб туриб умид билан ўзига-ўзи гапиргандай: "нима деб ўйлайсан чин ифторлик қилганни савобини оларман-а ? "-деб кўшиб қуйди, шу пайт мен шуни сиздан сўрашни дилимга тугиб қуйган эдим...

Жавоб:

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ:

- У киши тўғри қилган.